

---

## ОДАМ САВДОСИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА УМУМИЙ ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИНГ ЎРНИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7884272>

**Отакулов Ниёзбек Анвар ўгли**

*Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси,*

*Тезкор-қидирув фаолияти*

*кафедраси ўқитувчиси*

### **Аннотация.**

*Мазкур илмий мақолада одам савдоси билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни олдидини олишда умумий профилактик*

*чора-тадбирлар, вазифалари, ҳуқуқий асослари шунингдек, одам савдосининг олдидини олиш чора-тадбирларга оид масалалар ва унинг натижасида таклифлар бериб ўтилган.*

### **Калит сўзлар.**

*Одам савдоси жиноятчилигининг профилактикаси, одам савдосини содир этишга мойил шахслар, умумий профилактика, одам савдосига қарши курашиш.*

---

## ОДАМ САВДОСИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА УМУМИЙ ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИНГ ЎРНИ

**Atakulov Niyazbek Anvar ugli**

*Teacher of the Department of Operational Investigative Activity Academy of the*

*Ministry of Internal Affairs*

### **Аннотация.**

*Мазкур илмий мақолада одам савдоси билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни олдидини олишда умумий профилактик*

*чора-тадбирлар, вазифалари, ҳуқуқий асослари шунингдек, одам савдосининг олдидини олиш чора-тадбирларга оид масалалар ва унинг натижасида таклифлар бериб ўтилган.*

### **Калит сўзлар.**

*Одам савдоси жиноятчилигининг профилактикаси, одам савдосини содир этишга мойил шахслар, умумий профилактика, одам савдосига қарши курашиш.*

Демократик мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, одам савдоси жиноятининг олдини олиш стратегияларини ишлаб чиқишда жамоатчилик ҳаракатларини мувофиқлаштириш, жамоатчиликни жалб қилиш, жиноий ҳужум қурбонларининг қурбон бўлиш таҳдиди тўғрисида аҳолини хабардор қилиш бўйича чора-тадбирларни кучайтириш каби муҳим профилактик чоралар кўриш муҳим ўрин тутди.

Одам савдоси жиноятчилигининг профилактикаси деганда, инсон эркинлигининг дахлсизлигини таъминлаш, одам савдоси жиноятларини аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ушбу жиноятларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактиканинг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими тушунилади[1].

Профилактик чора-тадбирлар деганда, умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактика доирасида амалга ошириладиган ҳаракатлар йиғиндиси тушунилади[2].

Одам савдоси жиноятчилиги профилактикасининг турлари қуйидагилардан иборат:

- одам савдоси жиноятчилигининг умумий профилактикаси;
- одам савдоси жиноятчилигининг махсус профилактикаси;
- одам савдоси жиноятчилигининг якка тартибдаги профилактикаси;
- одам савдоси жиноятчилигининг виктимологик профилактикаси.

Одам савдоси жиноятчилиги профилактикаси субъектларининг одам савдоси жиноятларининг олдини олиш, уларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолияти одам савдоси жиноятчилигининг умумий профилактикасини ташкил этади[3].

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 2014 йил 14 майда Қонуни 23-моддаси (ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирлари) нормаларининг таҳлиliga асосланиб, одам савдоси жиноятчилиги умумий профилактикасининг

- чора-тадбирлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
  - аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот;

- ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш;

- ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси қонунчиликка мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олади.

Бундан ташқари, одам савдоси жиноятчилиги умумий профилактикасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- инсоннинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, яшаш учун вақтинча ёки доимий турар жойини танлаш, одамлар билан учрашиш ва мулоқотда бўлиш, меҳнат қилиш ҳамда қонунда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш эркинлигининг дахлсизлигини таъминлаш;

- фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларда қонунга итоаткорлик ҳулқ-атворини шакллантириш ва одам савдоси учун жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳиссини уйғотиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

- фуқароларни одам савдосининг ижтимоий хавфи ҳақида огоҳ этиш, шунингдек уларни одам савдосидан ҳимояланишнинг усуллари

ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш;

- одам савдоси жиноятчилигининг профилактикасини амалга ошириш;

- одам савдоси жиноятларининг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;

- жисмоний шахсларнинг одам савдосининг жабрланувчисига айланиши хавфини камайтириш;

- одам савдоси жиноятчилиги профилактикаси субъектларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқалар[4].

Қонунийлик, инсонпарварлик, тизимлилик, одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги, одам савдосидан жабрланганларнинг камситилишига йўл кўймаслик, ижтимоий ҳамкорлик, ишонтириш усулининг устуворлиги, таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва яқка тартибдаги ёндашиш одам савдоси жиноятчилиги профилактикасининг асосий принциплари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 августдаги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддасида одам савдосининг олдини олишга доир чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, булар куйидагиларни ўз ичига олади:

□ фуқароларнинг одам савдосидан жабрланишининг олдини олишга, уларнинг ҳимоясиз ва хавф остида қолишига сабаб бўлган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни;

□ одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги муаммоларни аниқлаш ва ушбу муаммоларнинг ечимларини ишлаб чиқиш мақсадида мазкур соҳадаги фаолиятнинг доимий мониторингини амалга оширишни;

□ одам савдосидан жабрланганлар тушиб қолиши мумкин бўлган хавфли вазиятлар ҳақида, давлат ҳамда одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасалар томонидан тақдим этиладиган ҳимоя чоралари тўғрисида, одам савдосига қарши курашиш учун давлат томонидан кўрилаётган жиноий ва маъмурий таъсир чоралари ҳақида жамиятнинг хабардорлигини оширишни;

□ туристик фаолиятни, шунингдек аҳолини иш билан таъминлашга оид фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар фаолиятига доир талабларни белгилашни;

□ Ўзбекистон Республикасининг давлат таълим муассасаларида ва нодавлат таълим ташкилотларида одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги таълим дастурларини ишлаб чиқишни ва амалга оширишни;

□ одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ходимларини касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш чораларини кўришни[5].

Аҳолининг мавзуга оид ахборотлар билан таъминланишида, одам савдосининг замонавий кўринишига жалб қилинишининг олдини олишда аҳоли ўртасида кенг кўламли ишларни амалга оширувчи давлат ва нодавлат институтлари муҳим ўрин тутди. Ушбу фаолият доирасида семинарлар ўтказилиб, унда аҳолининг иш билан бандлиги ҳолати ва хорижда қонуний ишга жойлаштириш ҳақида масалалар кўтарилди, шунингдек, одам савдоси билан шуғулланувчилар томонидан ўзларини потенциал қурбонларини қидиришда кўп ишлатиладиган, ҳар бир фуқаро ўзининг хавфсизлиги нуқтаи назаридан унга дуч келганида сергак тортиши лозим бўлган усуллар муҳокама қилинади. Чунки одам савдоси қурбони бўлган кўпчилик шахслар,

ҳагто уларни ўз давлати чегарасидан ташқарида қандай хавф-ҳатар кутаётганлигини билмайдилар ҳам.

Ушбу турдаги жиноятларга қарши курашишнинг янада самарали ва ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжудки, бунда айнан ички ишлар органларининг тегишли соҳа вакиллари томонидан амалга оширилиши белгиланган вазифалар муҳим аҳамиятга эга, яъни жиноятчиликка қарши курашишда бошқа тизим ёки соҳа вакилларида фарқли ўлароқ, бу соҳа вакиллари учун махсус вазифаларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрда қабул қилинган “Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-344-сонли қонуни асосида белгилаб берилган. Бу борада тадқиқотчи А.А. Таштемиров: “Ушбу турдаги жиноятларга қарши курашишда тезкор суриштирув ишларини самарали ташкил этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ушбу турдаги жиноятлар ўзига хослиги билан бошқа жиноятлардан кескин ажралиб туради. Шунинг учун бу ерда жиноятчининг шахсига аниқлик киритиш жиноятнинг содир этилишда асосий ўринга эга. Бунинг учун эса тезкор қидирув тадбирларини ўз вақтида ва самарали қўллаш талаб этилади” деб таъкидлайди[6].

Ёшларнинг ахлоқий тарбияси даражасини ошириш, мустақил фикрловчи ва ҳаётга комил ишонч билан қаровчи ёшларни тарбиялаш мақсадида;

- фоҳишабозлик, порнография, гиёҳвандлик, алкоголизм, тамаки истеъмоли ва бошқа шу каби иллатларга қарши кураш бўйича профилактик тадбирлар ўтказиш;

- маънавий-маърифий тадбирлар уюштириш (масалан, расмлар кўргазмаси ёки театрлаштирилган кўринишлар);

- спорт тўғараклари ишларини ташкиллаштириш, ўқув юртларида спорт мусобақаларини ўтказиш ва бошқалар орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш;

- кичик шаҳарчалар ва қишлоқ жойларида ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор берилиши лозим.

Шунингдек, одам савдоси муаммосига бағишланган ўқув қўлланмалари, бадиий ва ҳужжатли филмлар тайёрлаш, театрлаштирилган сахна кўринишларини ташкил қилиш керак. Бу чоралар нафақат инсонларни халқаро муаммо тўғрисида ахборотга эга бўлиши, балки уларнинг

бу муаммоларга қарши курашишда яқинлашувига ҳам ёрдам беради.

Олий ўқув юртлари, листейлар ва мактабларда доимий равишда одам савдосига қарши курашга бағишланган факултатив дарслар ўтказишни йўлга қўйиш зарур.

Юқорида айтиб ўтилганидек, одам савдоси шундай йўлга қўйилган тизимки, у муайян давлат, унинг фуқаролари, халқаро ҳамжамият томонидан белгиланган тизимни издан чиқариш қудратига эга. Бироқ бугун бемалол айта оламизки, Ўзбекистон Республикаси мазкур трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашга тайёр ва бунга лаёқатли эканлигини амалда кўрсатмоқда.

Мамлакатда энг аввало, бундай ходисаларни камайиши учун юқорида айтилгандек кўплаб янги иш жойларини очиш йўлга қўйилган. Бунинг учун мамлакатда тадбиркорлик субъектларини химоя қилиш, уларни фаолиятларини текширишни мумкин қадар камайтириш, фаолиятларига мутлоқо асоссиз аралашмаслик чоралари белгиланмоқда. Бундай ножўя ҳаракатлар қандай текшириш органлари, мансабдор шахслари томонидан содир этилишидан қатъий назар уларга нисбатан қаттиқ чоралар кўриш йўлга қўйилган, бу каби ҳаракатлар йилдан йилга камайиб, тадбиркорлар ўз фаолиятларини қонуний асосларга кўра юргизмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда Республикамиз ҳудудида одам савдоси билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда қўйидаги ишларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

- одам савдоси жиноятчилиги профилактикаси субъектларининг фаолияти тўғрисидаги жамоатчилик фикрини сўрашни ташкил қилиш ва ўтказиш ҳамда уларнинг натижаларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш;

- одам савдоси жиноятчилигининг профилактикаси, ушбу жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган

шарт- шароитларнинг илмий тадқиқотини ташкиллаштириш ва амалга ошириш;

- одам савдоси жиноятчилигининг профилактикасида аҳолининг фаол иштирок этишини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказиш;

- одам савдоси жиноятчилигининг профилактикаси бўйича илғор халқаро тажрибани умумлаштириш, алмашиш ва тарқатиш.

## ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Одам савдосига қарши курашишнинг ҳуқуқий чоралари: Ўқув-амалий кўлланма / Маъсул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – 80-б. Б.28.

2. Одам савдосига қарши курашда ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг фаолияти / Маъсул муҳаррир О.Камолов, А.Хамдамов, М.Холхўжаев ва бошқ.; Маъсул муҳаррир ю.ф.д И.Й.Фазилов. Ўқув-кўлланма: –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017.–43-б. Б.5,6.

3. Одам савдосига қарши курашда ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг фаолияти / Маъсул муҳаррир О.Камолов, А.Хамдамов, М.Холхўжаев ва бошқ.; Маъсул муҳаррир ю.ф.д И.Й.Фазилов. Ўқув-кўлланма: –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017.–43-б. Б.5,6.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” ги 2014 йил 14 май ЎРҚ-371-сон қонуни // электрон манба: <http://www.lex.uz>. (мурожаат вақти:б 20.04.2023).

5. Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” ги 2020 йил 17 август ўрқ-633-сон қонуни // электрон манба: <http://www.lex.uz>. (мурожаат вақти:б 20.04.2023).

6. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик жиноятларига қарши курашишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 14. – С. 320-327.